

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЗЗОҚОВА СУРАЙЁ РАЗЗОҚОВНА

**3d-МЕТАЛЛАРНИНГ ОКСАДИАЗОЛИН ҲОСИЛАЛАРИ БИЛАН
КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Раззокова Сурайё Раззоковна

3d-металларнинг оксадиазолин ҳосилалари билан комплекс бирикмаларини
синтези, тузилиши ва хоссалари.....3

Раззокова Сурайё Раззоковна

Синтез, строение и свойства комплексных соединений 3d-металлов с
производными оксадиазолина.....21

Razzokova Surayyo

Synthesis, structure and properties of complex compounds of 3d-metals with
oxadiazoline derivatives.....39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЗЗОҚОВА СУРАЙЁ РАЗЗОҚОВНА

**3d-МЕТАЛЛАРНИНГ ОКСАДИАЗОЛИН ҲОСИЛАЛАРИ БИЛАН
КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/К172 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Бақо Бафоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Даминова Шахло Шариповна
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.А.Парпиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гетероҳалқали лигандларнинг 3d-металлар билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Дастлабки лигандлардаги ўринбосарларнинг систематик ўзгартирилиши комплексларнинг турли хил конфигурацияларини режалаштириш ва муайян тузилишга ҳамда хоссаларга эга координацион бирикмаларнинг йўналтирилган синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бугунги кунда бундай металлокомплекс бирикмалардан тиббиётда биологик фаол моддалар, антиоксидантлар, қишлоқ хўжалигида стимуляторлар, турли саноат тармоқларида фотосенсибилизаторлар, бўёқлар, турли присадкалар ва коррозия ингибиторлари сифатида фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилмоқда.

Жаҳонда юқори самарали ва комплекс таъсирга эга биологик фаол моддалар ва стимуляторларни синтез қилишнинг шароитларини оптималлаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимликларнинг вегетатив даврини қисқартириш, уларнинг ҳосилдорлигини оширувчи, физиологик жараёнларини тезлаштирувчи стимуляторлар яратиш бўйича илмий ечимларни асослаш, жумладан 3d-металл ионларини гетероҳалқали полидендат лигандлар билан металлокомплекс бирикмаларини синтез қилишнинг қулай шароитларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлаш, марказий ионга лигандларни координацияланиши ва улар билан ҳосил қилган боғ табиати ҳамда ушбу бирикмаларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарали, импорт ўрнини босадиган, арзон, ўсимликларнинг вегетатив даврини қисқартириш ва ўсишини стимуляциялаш қобилиятига эга янги турдаги воситаларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш борасида қатор натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияда «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи, уларнинг вегетатив даврини ва транспирация жараёнини қисқартирувчи ҳамда сувни тежовчи янги турдаги арзон препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-4265-сонли Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда гетероҳалқали лигандларнинг оралиқ металл ионлари билан металлокомплексларини синтез қилиш, уларнинг таркиби, тузилиши, термик барқарорлиги, электрон тузилиши, реакция ва биологик фаоллиги бўйича кенг қўламдаги тадқиқотлар олиб боришга О.Г.Балашова, Г.В.Цаплин, Р.К.П.Сингх, Н.Е.Кузьмина, К.К.Палкина, Р.Б.Пенланд, Т.Ф.Рау, А.К.Дурсун, E.L.Piatnitski, Xie Yuanjuan, Aziz-ur-Rehmana, A.A.Othman ва бошқа таниқли олимларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Ҳозирги кунда оксадиазолин ҳосилалари асосида комплекс бирикмаларни кимёвий ва электрокимёвий усуллар ёрдамида синтез қилиш бўйича катта ҳажмдаги назарий ва амалий маълумотлар тўпланган. Бу борада J.Kido, Niu Pengfei, S.Kavitha, R.M.Shakir, J.A.Zhou, M.S.Y.Khan, В.Н.Кошелев, И.О.Балашова, П.В.Страшнов, О.В.Примерова, Е.И.Газизова, О.М.Анурова каби олимларнинг изланишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Республикада тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ишлатилаётган қатор биологик фаол комплекс бирикмаларни синтез қилишга, академик Н.А.Парпиев раҳбарлигидаги илмий мактаб, проф. Ҳ.Т.Шариповнинг илмий гуруҳи, проф. Б.В.Умаров, проф. А.А.Шабилолов ва проф. Т.А.Азизовлар раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи, проф. О.Ф.Ходжаев, проф. Х.Х.Ҳакимов ва уларнинг шогирдлари катта ҳисса қўшишган. Шу билан биргаликда, очик адабиёт манбалари таҳлилининг кўрсатишича, оралиқ металллар тузларининг гетероҳалқали лигандлар билан комплексларини таҳлил қилиш бўйича кенг миқёсда тажриба натижалари бўлишига қарамадан, 3d-металларнинг 1,3,4-оксадиазолин ҳосилалари билан металлокомплекслари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли 1,3,4-оксадиазолин-2-тион асосида комплекс бирикмаларни синтез қилиш, физик-кимёвий ва биологик фаоллигини аниқлаш алоҳида илмий қизиқиш касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларини режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-45 «Металларнинг янги гетероҳалқали полифункционал биологик фаол лигандлар билан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўллаш учун полиэдрнинг маълум тузилиш ва функционалликка эга бўлган координацион бирикмаларининг йўналтирилган синтези» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn тузларини 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари асосида металлокомплекс бирикмаларини синтез қилиш ҳамда уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

айрим оралиқ металллар тузларининг 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан металлокомплекс бирикмаларини синтез қилиш;

синтез қилинган металлокомплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

3d-металларнинг 1,3,4-оксадиазолин ҳосилалари билан комплексларининг электрон тузилиши, энергетик ва геометрик параметрлари ҳамда реакция қобилиятини замонавий квант-кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

янги синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва антиоксидантлик хоссаларини баҳолаш;

янги комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари орасидаги боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари ва уларнинг 3d-металлар: марганец(II), кобальт(II), мис(II), никел(II) ва рух тузлари билан комплекс бирикмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети гетероҳалқали лигандлар ва уларнинг 3d-металлар билан комплекс бирикмаларининг таркиби, тузилиши, индивидуаллиги, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида элемент, энергия-дисперсион (СЭМ-ЭДА), дифференциал термик, рентгенфазавий, монокристал рентген-структуравий таҳлиллари, электрон (ЭСДО), ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) ва Zn ларнинг 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан 45 та янги комплекс бирикмалар синтез қилинган;

квант-кимёвий усуллар ёрдамида лигандлар ва синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг геометрик ва энергетик параметрлари, атомлардаги зарядларнинг таксимоти, геометрияси ҳамда реакция қобилияти аниқланган;

элемент, энергия-дисперсион, рентгенфазавий, дифференциал термик анализ, электрон, ИҚ- ва ПМР-спектроскопик усуллар ёрдамида синтез қилинган янги бирикмаларнинг индивидуаллиги ҳамда кристалл ва эритма ҳолатида гетероҳалқали лигандларнинг 3d-металл ионларига координацияланиши аниқланган;

илк бор 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион моногидрати – [3-ОНС₆Н₄-С₂НОН₂S]·Н₂O] ва 5-(3-йодфенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тионнинг рух хлоридли янги комплекс бирикмасининг кристалл тузилишлари ҳамда комплекснинг тузилиши сурилган тетраэдрик шаклдалиги [ZnNCISO] аниқланган;

илк бор Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) ионларининг хлоридли, нитратли, ацетатли тузларини 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан комплекс ҳосил қилишини барқарорлик константалари ва Mn(II)<Co(II)<Ni(II)<Cu(II) қаторида барқарорлик константаларини ортиб бориши шунингдек, Ирвинг-Вильямс қатори қонуниятларига мос келиши аниқланган;

илк бор ғўза ва буғдойни ўсишини тезлаштирувчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали стимулятор яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) ва Zn каби 3d-металларнинг 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан комплекс бирикмаларини синтез қилишнинг қулай шароитлари аниқланган;

олинган 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион моногидрат бирикмасининг фазовий тузилиши ва барча кристаллографик катталиклари исботланган ҳамда Cambridge Crystallographic Data Center Халқаро маълумотлар базасига жойлаштирилган;

янги комплексларнинг физик-кимёвий хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги орасида ўзига хослик (бирикма тури, марказий ион табиати, нейтрал ва гетероҳалқали лигандларни координацияланиши, биологик фаоллик) ўрнатилган ва биологик фаол бирикмаларни синтез қилиш шароитлари аниқланган;

электрон тузилишни ҳисоблаш ва термик хусусиятларни ўрганиш орқали комплекс бирикмаларнинг реакция қобилиятлари аниқланган;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи $[MnL^3_2Cl \cdot H_2O]$ таркибли самарали стимулятор яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электрон, ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, элемент, энергия-дисперсион, рентгенфазавий, дифференциал термик, монокристал рентгенструктуравий ва биологик таҳлил ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлар каби замонавий тадқиқот усуллари билан исботланган. Хулосалар тажриба натижаларини таҳлили асосида қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) ва Zn ионларини хлоридли, нитратли ва ацетатли тузларининг 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан комплекс бирикмаларини синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланганлиги ҳамда 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион моногидратининг барқарор кристаллар шаклида ажратиб олинганлиги, шунингдек, металларнинг 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилалари билан янги комплекс бирикмаларининг таркиби, тузилиши, барқарорлиги ва хоссаларини аниқлаш натижалари ҳамда хулосаларни замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари натижаларини таҳлили асосида қилинганлиги ва назарий координацион бирикмалар кимёсини бойитганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион моногидратининг кристаллографик маълумотлари Кембриж Халқаро маълумотлар базасига киритилганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи юқори самарали стимуляторлар таклиф этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1,3,4-оксадиазолин-2-тион ҳосилаларини 3d-металлар билан янги биологик фаол металлокомплекс бирикмаларининг синтези ва физик-кимёвий ҳамда биологик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион моногидратнинг рентгенструктуравий таҳлили натижалари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://doi.org/10.1107/S2414314619015323>, CCDC 1965447). Натижада,

ўхшаш янги кимёвий бирикмаларни синтез қилиш ва тузилишини тавсифлаш имконини берган;

СР-1 стимулятори Тошкент вилояти фермер хўжаликлари майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги 02/025-1824-сон маълумотномаси). Натижада, СР-1 стимуляторини қўллаш пахтанинг шоналаши ва гуллаш даврини 2–4 кунга, пахтанинг очилишини 6–9 кунга қисқартириш, ҳосилдорликни ўртача 24–32 % га ошириб, ўсимликдаги сувнинг транспирация даврини ўртача 14–18 % га, шунингдек буғдой униб чиқишини 1–2 кунга тезлаштириш, етилиш даврини 8–10 кунга қисқартириш ва ҳосилдорликни 15–20 % га ошириш имконини берган;

синтез қилинган комплекс бирикмалардан ВА-ФА-Ф7-004 рақамли “Биологик фаол бирикмаларнинг металл комплекслари тузилишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада металлокомплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 21 январдаги 4/1255-193-сон маълумотномаси). Натижада, 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тионнинг янги комплексини олиш ва фазовий тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 4 та Халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 2 та Республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**1,3,4-оксадиазолинлар ҳосилалари ва улар асосидаги комплекс бирикмаларни олиниши ва хоссалари**» деб номланган биринчи бобида гетероҳалқали лигандлар – 1,3,4-оксадиазолин ҳосилалари ва улар иштирокидаги комплекс бирикмаларнинг синтези, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги ва қўлланиш соҳалари бўйича

адабиёт манбалари таҳлил қилинган. 1,3,4-оксадиазолин-2-тионнинг органик лиганд сифатида комплекс хоссаларни намоён қилиши ҳамда тиббиёт, электроника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда истиқболли эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**1,3,4-оксадиазолин-2-тион хосилаларининг 3d-металл ионлари билан комплекс бирикмаларини синтези**» деб номланган иккинчи бобида диссертация тадқиқоти доирасида фойдаланилган асбоб-ускуналар ва реактивлар тавсифи, мақсадли бирикмаларни синтез усуллари танлашга ёндошув, 1,3,4-оксадиазолин-2-тион хосилалари иштирокидаги комплекс бирикмаларни олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини аниқлаш усуллари келтирилган.

Комплексларни мақсадли йўналтирилган синтези спиртли эритмаларда олиб борилган ҳамда оддий ва қулай усул танланган, бу усул қимматбаҳо органик эритувчиларни ва маҳсулотни эритувчидан ажратиб олишни талаб қилмайди. Бунинг учун 3d-металларнинг хлоридли, нитратли ва ацетатли тузларининг этанолдаги эритмасига узлуксиз аралаштирилган ҳолда 1,3,4-оксадиазолин-2-тион хосилаларининг спиртдаги қайноқ эритмасидан 1:2 нисбатда томчилаб кўшилди. Лигандлар сифатида 5-(3-гидроксифенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион (L^1), 5-(3-йодфенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тион (L^2) ва 5-(*n*-нитрофенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тионлар (L^3) танлаб олинди. Ҳосил бўлган аралашма 1,5 соат давомида қайнатилди, сўнгра қайноқ ҳолда филтрлаб, кристалланиш учун кўйилди. Бир неча кундан кейин рангли кристалл шаклидаги чўкмалар ажратилиб, этанол билан бир неча марта ювилиб, филтрлаб ҳавода қуритилган.

Диссертациянинг «**1,3,4-оксадиазолин-2-тион хосилаларини 3d-металлари билан комплекс бирикмаларини физик-кимёвий тадқиқоти ва уларнинг биологик фаоллиги**» деб номланган учинчи бобида гетероҳалқали лигандлар ва уларнинг 3d-металлар билан комплекс бирикмаларини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида таҳлил қилиш ва тузилиш хусусиятларини квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари ҳамда синтез қилинган янги металлокомплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва амалиётда қўллаш имкониятлари келтирилган.

Biovia Accelrys Materials Studio дастурий пакети (ярим эмперик РМ-6 усули) ёрдамида полифункционал лигандларнинг электрон тузилишлари ва 3d-металл ионларини координацияловчи электронодонор марказлари аниқланган. L^1 - L^3 лиганд молекулаларини геометрик тузилишининг таҳлили, бензол ва оксадиазолин ҳалқаларининг битта текисликда жойлашишини кўрсатди. Олтингугурт атомлари оксадиазолин ҳалқаси билан битта текисликда жойлашганлиги молекулани электрон зичлигини самарали қайта тақсимлашга ва боғланган ЮБҚМОнинг (юқори банд қилинган молекуляр орбитал) шаклланишига ёрдам беради. Заряд қийматлари ва ЮБҚМОнинг локализациясини таҳлил қилиб, лиганд молекуласини металл ионлари билан координацияга учраши мумкин бўлган фаол марказлари оксадиазолин ҳалқасидаги азот донор атоми (N) (-0.372) ва C=S гуруҳининг олтингугурт (-0.387) атоми эканлиги аниқланди. Ушбу атомлар локаллашган зарядларнинг тахминан тенг қийматларига эга. Бензол ҳалқасидаги ўринбосар атомларида эффектив манфий заряднинг юқорилиги ҳамда бензол

ҳалқасидаги OH^- ва NO_2^- гуруҳларнинг кислород атомларида ЮБКМОнинг локализациясининг деярли йўқлиги сабабли, гидроксид-радикал ва нитрогуруҳдаги кислород атоми энг катта манфий қийматга эга бўлса ҳам, ушбу гуруҳлар орқали координацияланишни осонлаштирмайди (1-жадвал).

1-жадвал

Лиганд ўринбосарларини электродонор атомлари ва оксадиазолин ҳалқасининг донор атомларида ҳисобланган электрон зичликлари

| Лиганд | Ўринбосар | | | Оксадиазолин ҳалқаси | | | |
|--------|-----------------|----------|------------------|----------------------|--------|--------|--------|
| | | | | -NH (C) | = O | = S | =N(N) |
| PM6 | | | | | | | |
| L^1 | - OH | - I, +M | -0.503 | -0.372 | -0.304 | -0.387 | -0.238 |
| L^2 | - J | - I, + M | -0.090 | -0.370 | -0.313 | -0.386 | -0.243 |
| L^3 | - NO_2 | - I, - M | -0.442 -0.441 | -0.370 | -0.305 | -0.361 | -0.219 |

Шунингдек, манфий заряд оксадиазолин ҳалқасининг кислород атомида (-0.304; -0.313; -0.305) йиғилган. Бироқ, манфий заряд қийматлари ва ЮБКМОнинг локализациясини таққослаб потенциал координациялаш марказлари яқинидаги қўшни атомлар мавжудлигига ҳулоса қилишимиз мумкин. Лиганд молекулаларида эҳтимоллиги юқори бўлган координациялаш марказлари олтингугурт ва азот атомларида бўлади, уларнинг манфий заряди (мос равишда -0.387; -0.361 ва -0.372; -0.370 эВ) нисбатан юқори қийматга эга. Агар гидроксогуруҳи ва нитрогуруҳларнинг кислород (O) атомлари қандайдир стерик таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олсак, олтингугурт атоми орқали лиганднинг координация кетиш эҳтимоли ортади деб тахмин қилишимиз мумкин.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, бензол ҳалқаси оксадиазолин ҳалқасининг электрон донор атомларига турлича таъсир қилади. Ўринбосарларнинг эффективлигини таҳлил қилганда, шуни инобатга олиш керакки, OH^- ва J гуруҳлари биринчи турдаги ўринбосарлар бўлгани учун электродонорлик хоссаларини намоён қилиб бензол ҳалқасида электрон зичликни оширади. Натижада L^1 лигандида ЮБКМОнинг копланарли π -ароматик система ва оксадиазолин ҳалқаси билан кучсиз қопланиши сабабли гидроксо гуруҳидаги кислород атомининг эффектив зарядланиши нисбатан юқори бўлади. Шуниси эътиборга лойикки, I-турдаги ўринбосар ҳисобланган J гуруҳи электрон қабул қилувчи хусусиятга эга бўлган гидроксил гуруҳидан фарқ қилиб, нисбатан кичик манфий заряд қийматига эга. Кучли манфий индукцион эффектига (-I) қарамасдан, электроманфий ҳисобланган галоген атомининг таъсири бензол ҳалқасидаги электрон зичликни пасайтиради. J гуруҳининг мусбат мезомер (+M) эффекти унинг манфий индукцион (-I) эффектидан кучлилиги сабабли галогенга нисбатан o- ва n- углерод атомларининг электрон заряди ЮБКМО нинг тегишли локализацияси билан ортишига олиб келади. Оксадиазолин ҳалқасининг потенциал координацион марказларига кучли манфий индукцион эффект (-I) ва кучли манфий мезомер эффект (-M) га NO_2^- гуруҳ кучлироқ таъсир кўрсатади. Натижада N ва S атомлари электрон зарядлари мос равишда -0,370 ва -0,361 гача камаяди.

Квант-кимёвий ҳисоблашлар натижаларига асосланиб лигандларни оксадиазолин ҳалқасидаги электрон зарядини камайтириш қобилиятига кўра



қуйидаги қаторга жойлаштириш мумкин: $L^3 > L^1 > L^2$. Бу қатор ўринбосарларнинг электрон эффективликларини йиғиндисини ифодаловчи қаторга ҳам мос келади: $\text{NO}_2^- > \text{OH}^- > \text{J}^-$.

Минимал ҳосил бўлиш иссиқлиги принципига асосланиб, лигандлар ва улар ҳосил қилган комплексларнинг тузилиши, координацион тугун геометрияси, валент бурчаклари, боғ узунликлари ва атомларда заряд тақсимотлари ҳисобланди. Металл комплексларидаги потенциал координациялаш марказларини энергиялари аниқланди.

Лигандларнинг турли хил металллар билан (Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) ва Zn) моно- ва бидентат боғланишидаги ҳосил бўлиш иссиқликлари турли вариантдаги координациялашув қиймати жиҳатидан фарқ қилади. Юқори эҳтимоллик билан бир вақтнинг ўзида бир неча координацион марказларнинг ҳосил бўлиши тасдиқланди. Шунга кўра, турли электронодонор атомлар ва 3d-металл атомлари орқали боғланиш турининг ўзгариши билан ҳосил бўлиш иссиқлигининг сезиларли даражада ортиши кузатилди. Шу билан бирга ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, энергетик жиҳатдан қулай вариантдаги комплексларни ҳосил бўлиши протонланган азот ва олтингугурт иштирокида боради. Ҳар учала вариантдаги L^1 - L^3 лигандларнинг назарий моделларида монодентат (S-, N- моно (70%) ёки N-моно (<1%)) ва бидентатли (S-, N- би (29%)) координациялаш қобилиятини намоён қилади.

Шундай қилиб, РМ-6 усули билан квант-кимёвий ҳисоблаш асосида комплекс ҳосил бўлиш реакциясида, лигандлар комплекс ҳосил қилувчи ионлар билан тион ўринбосаридаги олтингугурт атоми ва оксадиазолин ҳалқасидаги азот атоми билан координацияланиши металл ионининг электрон конфигурациясига ва ацидолигандларнинг стерик таъсирига боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

Комплексларни таҳлил қилишда сканерлаш электрон микроскопи – энергия дисперсион таҳлил (СЕМ-ЭДТ) усуллари, ҳозирги кунда юқори маълумот олиш ва тадқиқот натижаларининг ишончилигини ошириш ҳамда аниқ илмий ва технологик муаммоларни ечишда кенг қўлланилмоқда. Олинган комплекс бирикмалардаги азот, олтингугурт ва металл миқдорлари СЕМ-ЭДТ ёрдамида аниқланди (1-расм). СЕМ-ЭДТ натижаларига кўра, органик лигандларни металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлиши ва лигандларнинг микро тузилишини ўзгариши билан биргаликда, металл ионлари учун характерли бўлган кўп сонли чўққилар қайд этилди.



1-расм. $[\text{NiL}_2(\text{NO}_3) \cdot \text{H}_2\text{O}]$ комплекс бирикмасининг микроструктураси (а) ва СЕМ-ЭДТ маълумотлари (б)

Лигандларни координацион марказларининг марказий атомга боғланиш хусусиятини аниқлаш учун 3d-металл тузларини L^{1-3} лигандлари билан синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг ИҚ-спектрлари олинди.

L^1 лиганднинг $Co(II)$ хлоридли комплексининг ИҚ-спектрида оксадиизолин ҳалқасининг $C=N$ гуруҳи ассиметрик валент тебранишларига тегишли характерли ютилиш чизиғи 1637 см^{-1} да, симметрик валент тебранишлари эса 1579 см^{-1} соҳасида кузатилди. 1502 см^{-1} соҳада $C-O$ гуруҳининг валент тебранишларига тўғри келадиган ютилиш чизиқлари кузатилди. 1146 см^{-1} соҳада $=N-N-$ боғининг валент тебранишлари аниқланди. Комплекс таркибида сув молекулаларини мавжудлиги $O-H$ гуруҳининг валент ва деформацион тебранишларига хос бўлган 3546 ва 1640 см^{-1} соҳасидаги тебранишларнинг кенг чизиқлари билан тасдиқланди. Эркин L^1 лигандининг ИҚ-спектридан фарқли равишда 662 см^{-1} қуйи частотали соҳаларда $S-M$ боғининг валент тебранишларига жавоб берадиган янги кенгайган ютилиш чизиғи кузатилди.

Комплексларнинг ИҚ спектри билан эркин L^2 лигандининг ИҚ-спектрининг солиштириш таҳлили шуни кўрсатдики, юқори частотали $\sim 51-14\text{ см}^{-1}$ соҳасида $C=S$, $C=N$, $C-O-C$ боғларининг тебранишларида ютилиш чизиғининг ҳолати эркин лиганднинг спектридаги ҳолати билан солиштирилганда аҳамиятли ўзгаришларга учради. $Cu(II)$ ацетати билан L^2 комплексининг ИҚ-спектрида оксадиазолин ҳалқасининг $C=N$ гуруҳини ассиметрик валент тебранишларига тегишли характерли ютилиш чизиғи 1431 см^{-1} да, симметрик валент тебранишлари эса 1296 см^{-1} соҳада аниқланди.

L^3 лиганд иштирокидаги спектрларда $C-O$ гуруҳининг валент тебранишларига хос бўлган ютилиш чизиқлари $1655-1577\text{ см}^{-1}$ соҳаларда кузатилди. Комплекс бирикмаларда эркин L^3 лигандининг ИҚ-спектридан фарқли равишда, қуйи частоталар соҳасида $700-726\text{ см}^{-1}$ да $S-M$ боғини валент тебранишларига хос бўлган кенгайган янги ютилиш чизиғи кузатилди ва $478-544\text{ см}^{-1}$ да эса $N-M$ боғини валент тебранишларига хос бўлган янги чизиқлар пайдо бўлди.


Барча синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг ИҚ-спектрларини таҳлилидан қуйидаги хулосалар қилинди: лигандларнинг комплекс ҳосил қилувчига координациялашуви тион гуруҳидаги олтингугурт ва имино гуруҳдаги азот атомлари орқали юзага келиб, $>C=S$ ва $>N-N$ гуруҳларини тебранишларига хос бўлган ўзгаришлар тасдиқлади. Барча ацидолигандлар уларнинг тузилишидан қатъий назар комплексларнинг ички сферасида жойлашиб, тетраэдрик тузилишдаги аралаш лигандли нейтрал комплексларни ҳосил қилиши аниқланди.

L^1 лигандининг ПМР-спектрида ўрта майдон соҳасида 7.45 , 7.60 , 7.85 ва 7.90 м.у. да 1,3-алмашинган ароматик ҳалқанинг CH -гуруҳига тегишли 4 та протон интенсивлигидаги интенсив сигналлар қайд этилди. Кучсиз майдон соҳа 8.2 м.у. да иминогуруҳ протонининг $1H$ интенсивликдаги синглет сигнали кузатилди. Кучли майдон соҳасидаги марказлари 2.70 ва 2.89 м.у. даги эритувчи протонларига тегишли бўлган иккита синглет сигналлар кузатилди. $Zn(II)$ ацетатининг L^1 билан комплексининг ПМР-спектрида эркин лиганднинг ПМР-спектридан фарқ қилади. Ароматик ҳалқадаги метилен гуруҳларини мультиплет сигналлари кучсиз майдон соҳасига бироз сурилган бўлиб, $\delta 7,50-7,65$ ва $\delta 7,80-7,94$ м.у. да намоён бўлди. Ацетатли

ацидолиганднинг CH_3 гуруҳи протонлари кучли майдон соҳасида δ 1,89 м.у. да синглет сигналини намоён қилди. Лиганд молекуласидаги водород сақлаган барча функционал гуруҳларга алоқадор сигналларининг кучсиз майдон соҳасига сурилиши, шунингдек ацетатли ацидолиганднинг протонларига хос янги сигналнинг пайдо бўлиши комплекс ҳосил қилувчи ионга координациялашувдан далолат беради.

Синтез қилинган комплексларда лигандлар табиатининг электрон ўтишларга таъсирини ўрганиш ва Co(II) , Ni(II) , Cu(II) ионларининг оксидланиш даражасини ҳамда фазовий жойлашишини аниқлаш учун комплекслар кукунларини диффуз қайтаришнинг электрон спектрлари олинди. Маълумки, $3d^9$ электрон конфигурацияли мис(II) иони ососий ҳолатда беш каррали тақсимланган 2D терм билан ифодаланади. Мис(II) ионлари учун лигандлар хоссаси ва сонига боғлиқ ҳолда ўзига хос электрон d-d ўтишли октаэдрик (O_h), текис квадратли (D_{4h}), тетраэдрик (T_d), квадрат–пирамида (C_{4h}) ва тригонал–бипирамида (D_{3h}) шаклларида белгиланиши мумкин. Системанинг икки каррали тақсимланган асосий ҳолатдаги (2E_g) симметрик конфигурацияси бекарор ва мис(II) ионларининг сохта тетраэдрик комплексларининг барқарорлигига олиб келувчи Ян-Теллер эффекти пайдо бўлиши сабабли тетрагонал бузилишларга учрайди. Тетраэдрнинг аксиал чўзилишининг чегаравий ҳолати аксиал лигандлар билан ўзаро таъсирга кирмайдиган Cu^{2+} катионларини текис квадратли координацияси ҳисобланади. Мис(II) ионларининг L^3 билан комплексининг ДҚЭС да L^3 лигандининг олтингугурт ва азот атомлари билан тетраэдрик координациясидаги Cu^{2+} нинг d-d ўтишларига тўғри келадиган 14598, 17762 ва 28089 cm^{-1} соҳаларда учта чизик кузатилди. 28089 cm^{-1} соҳадаги чизик текисланган молекула учун ютилишнинг эгилувчан чизиги катта энергиялар томонга силжиш сабабли ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, Cu(II) комплексининг кукунини диффуз қайтарувчи электрон спектри натижалари таҳлил қилинганда куйидагиларни хулоса қилиш мумкин: аниқланган ютилиш чизиклари лигандларнинг кучли майдони сабабли координацион полиэдр сиқилиш даражасига мос равишда текис структура йўналишида катта частоталар томонга силжийди, бунинг натижасида Cu(II) комплексининг текисланган тетраэдрик – сурилган структураси ҳосил бўлди.

Спектроскопик тадқиқотлар натижаларига асосан мисол тариқасида L^1 лиганд иштирокидаги металлокомплекс бирикмаларининг тузилишини куйидаги смеха кўринишида ифодалаш мумкин:



бу ерда: $M - \text{Mn(II)}, \text{Co(II)}, \text{Ni(II)}, \text{Cu(II)}$ ва Zn .


$X - \text{Cl}^-, \text{NO}_3^-, \text{CH}_3\text{COO}^-$

Лигандлар ва уларнинг металлокомплекслари таркибини тузилиш хусусиятларини рентгенфазавий таҳлил ёрдамида ҳам таҳлил қилинди. Рентгенограммаларни таҳлилида олинган маълумотлар синтез қилинган

комплекслар кристаллографик маълумотлар базасида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. Жумладан, лиганд L^2 дифрактограммасида 2θ 16,12 град. (84,48 %), 23,52 град. (83,62 %), 27 град. (100 %), 27,96 град. (95,69 %) да чўққилар кузатилди. Лиганд L^2 дан фарқли равишда унинг комплекси $[CuL^2_2Cl \cdot H_2O]$ да 2θ 19,6 град. (96 %) ва 29,0 град. (100 %) да нисбатан интенсив чўққилар кузатилди. Комплексларнинг рентгенограммаларини тегишли ацидолигандлар билан таққослаганда L^{1-3} лигандлар асосидаги турли металл тузларининг барча комплекслари изоструктур эканлиги аниқланди.

Шунингдек, олинган комплекс бирикмаларнинг термик барқарорлиги ва таркибини аниқлаш мақсадида дифференциал термик таҳлили ўтказилди.

Мисол учун, лиганд L^3 нинг термограммасида 20-390^oC оралиғида 114,2 ва 119,4^oC да масса ўзгаришисиз иккита эндоэффект кузатилди (2а-расм). Биринчи эндоэффект метакристалл ҳолатдан барқарор кристалл ҳолатга полиморф ўтиш билан боғлиқ фазавий ўтишга мос келди. Иккинчи эффект эса намунанинг суюқланиши билан изоҳланади. 175^oC дан юқори ҳароратда (T=178,7^oC) намунанинг 1,5 %/мин тезлик билан парчаланиши юз берди. Парчаланиш энтальпияси ΔQ 112,6 Ж/г га тенг бўлиб эндотермик жараён содир бўлди. Дифференциал термик таҳлил давомида 20-400^oC оралиғида $[NiL^3_2Cl \cdot H_2O]$ комплекс бирикмасининг ўзгариши кузатилди (2б-расм). Бунда иккита босқичда масса ўзгариши аниқланди. Биринчи босқич – 85-95^oC ($\Delta m = -5,37\%$) сув молекуласининг йўқотилишига мос келди. Иккинчи босқич ($\Delta m = 37,32\%$) 199-400^oC оралиғида намунанинг парчаланишига мос келди. ДСК эгри чизигидаги биринчи тебраниш 90,5^oC да сув молекуласининг ажралишига мос келса (жараён энтальпияси $\Delta Q = -155,2$ Ж/г), иккинчи тебраниш эса 116^oC да кузатилди (жараён энтальпияси $\Delta Q = -5$ Ж/г). Шунингдек иккита тебраниш 182,8^oC да эндотермик эффектга ва 255,6^oC да экзотермик эффектга мос келди. Парчаланишнинг умумий энтальпияси 244,7 Ж/г га тенгдир.



2-расм. Лиганда L^3 ва унинг $NiCl_2$ билан комплексини термограммалари

Барча комплекс бирикмалар учун термик таҳлил натижаларини умумлаштириш шуни кўрсатадики, бу комплексларнинг термик парчаланиши молекуланинг органик қисмини бир вақтнинг ўзида ёниш, парчаланиш маҳсулотларини оксидлаш ва металл оксидларини ҳосил қилиш билан тузни

парчалаш жараёни бир неча босқичда бир хил ва босқичма-босқич давом этади. Лигандлар билан металл комплексларини термик парчаланиши кўйидаги кетма-кетликда камайиб боради: $Mn(II) > Co(II) > Ni(II) > Cu(II) > Zn$.


L^1 лиганднинг рентген структуравий таҳлили (2-жадвал) ўтказилди ва тузилишни аниқлашдан олинган маълумотлар Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига жойлаштирилди. 2-жадвал натижаларига кўра, L^1 лиганди 293 К (20⁰С) ҳароратда молекуляр массаси 406,43 г/молга тенг бўлган $C_8H_6N_2O_2S \cdot 0,5H_2O$ ёки $2(C_8H_6N_2O_2S) \cdot H_2O$ таркибли кристаллогидрат кўринишида бўлади. Лиганд таркибида кристаллизацион сув ва электронодонор гуруҳларининг мавжудлиги водород боғларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва унинг структурасининг барқарорлигини изоҳлайди. Водород боғлари нафақат молекулалараро, балки ички молекуляр таъсирлар натижасида юзага келади (3-расм).

2-жадвал


L^1 лигандининг кристаллографик маълумотлари ва структурасини деталлари

| Кўрсаткич | Қиймати | Кўрсаткич | Қиймати |
|---------------------------------|-------------------------------|-------------------------------------|---------------------------|
| Формула | $2(C_8H_6N_2O_2S) \cdot H_2O$ | Кристал ўлчами, мм | 0.38 x 0.28 x 0.22 |
| Молекуляр масса | 406,43 | $T, ^\circ K$ | 293 |
| Сингония | Моноклин | θ^0 бўйича сканер. сох. | 4.0, 76.1 |
| Фазовий гуруҳи | I2/a (№15) | h,k,l интервали | -18: 20 ; -4: 5 ; -27: 27 |
| a, Å | 16.3881(12) | Жами рефлекс | 5850 |
| b, Å | 4.6912(3) | Мустақил аксланиш. | 1767 |
| c, Å | 22.4928(18) | $R_{\text{инт}}$ | 0,061 |
| α, β, γ , град. | 90, 97,512(7), 90 | Мувофиқлик сифати | 1.04 |
| V, Å ³ | 1714.4(2) | D, г/см ³ | 1.575 |
| Z | 4 | $\mu(CuK\alpha)$, мм ⁻¹ | 3.173 |

L^1 лиганди водород боғлари ҳосил бўлишида тетрадентат агент сифатида намоён бўлади. Бунда амалий жиҳатдан деярли барча потенциал электрон донор гуруҳлар (-OH, =S ва -NH) жалб этилади. Такдим этилган схемадан кўриш мумкинки (3-расм), молекулалараро водород боғларининг ҳосил бўлишида қатнашган олтингугурт ва азот атомлари транс-ҳолатда жойлашган бўлиб, бу эса энергиянинг минималлашувига ҳамда ўз навбатида системанинг барқарорлашувига олиб келади. Рентгенструктуравий таҳлил натижаларига кўра $2(C_8H_6N_2O_2S) \cdot H_2O$ кристаллогидратининг кристалл ячейкасини кўйидагича тасвирлаш мумкин (4-расм):




3-расм. $2(C_8H_6N_2O_2S) \cdot H_2O$ молекуласидаги водород боғлар системаси




4-расм. $2(C_8H_6N_2O_2S) \cdot H_2O$ молекуласини тахлами (упаковкаси)

Тадқиқот давомида 5-(3-йодфенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тионнинг (L^2) рух хлоридли янги монокристалл комплекс бирикмаси синтез қилинди. Кристал тузилишдаги комплекс молекулаларининг ўзаро жойлашуви 5 ва 6

расмларда келтирилди. Комплекс кўп ўлчовли массив қатор бўлиб, координация марказларида Zn нинг учта ядродан иборат бўлимларидан ташкил топган. Моноклиник элементар ячейканинг асимметрик қисмида Zn иони, сув молекуласи, хорид аниони ва лигандлар жойлашади (5-расм).



5-расм. Рух хлориднинг L^2 билан учядроли полимер комплексининг тузилиши



6-расм. $[ZnL^2Cl \cdot H_2O]$ кристалл тузилишини молекуляр тахлами (упаковки)

